

АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДА ТАСАВВУФ ҒОЯЛАРИ

Аҳмедов Ҳошим Ҳакимович

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

Университети, Она тили ва адабиёт таълимни кафедраси

доценти, филология фанлари номзоди

Ahmedov.hoshim60@gmail.com, 0000-0002-7769-195X

Аннотация

Мазкур мақолада Алишер Навоий ижодида тасаввуф ғояларининг ифодаланиши ҳақида фикрлар билдирилади. Хусусан, “Хазойин ул – маоний” девонлари таркибидаги шеърлар мисолида сўфиёна рамзларнинг бадиий талқини баён қилинади. Таҳлилга тортилган мисолларда шоирнинг поэтик маҳорати очиб берилади. Ҳар бир тимсол зимнида кўзланган маъно ва моҳият ҳақида тегишлича хulosалар келтириб ўтилади.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, “Хазойин ул-маоний”, тасаввуф ғоялари талқини.

Аннотация

В данной статье освещается представления о воплощении суфизма в творчестве Алишера Навои. В частности, описывается художественная интерпретация суфийских символов на примере стихотворений, содержащихся в диванах «Хазайин ул - маоний». Анализируемые примеры раскрывают поэтическое мастерство поэта. Делаются соответствующие выводы о предполагаемом значении и сущности под каждым символом.

Ключевые слова: Алишер Навои, «Хазайн ул-маони», интерпретация идей суфизма.

Annotation

This article highlights the ideas about the incarnations of Sufism in the work of Alisher Navoi. In particular, the artistic interpretation of Sufi symbols is described on the example of the poems contained in the sofas "Khazayin ul - maoniy". The analyzed examples reveal the poetic skill of the poet. Appropriate conclusions are drawn about the intended meaning and essence under each symbol.

Keywords: Alisher Navoi, "Khazain ul-maoni", interpretation of the ideas of Sufism.

Кириш. Муаммонинг қўйилиши

Ўз даврида шарқ тасаввуф адабиёти билимдони Е. Э. Бертельс шарқ – мусулмон адабиётини тушуниш учун тасаввуф тимсоллари моҳиятини тушуниб олиш зарур эканлигини таъкидлаган эди. Олим шу маънода сўфиёна рамз – тимсоллар рўйхатини тузиб, мисоллар билан шарҳлаган эдик, айнан шу манба тасаввуфни тўғри англаш ва талқин этишда ўзига хос методологик асос вазифасини маълум маънода ўтаб келмоқда. [1: 109, 126].

Тасаввуф поэзиясида ишқ, ёр, жонон, май, майхона, соқий, соғар, пири муғон, муғбачча каби қатор рамзлар учрайди. Ойбек тўғри таъкидлаганидек, “тасаввуф шеърият учун фалсафий бир мавзу бўлиб, шоирлар орасида дарвишлари бўлгани каби, ҳаётда сўфийликдан узоқ турган, лекин тасаввуфга бир нав фалсафа, бир нав хурфиқрлик каби қараган, ўз ижодида тасаввуф асосларини ифодалашга қизиққан” шоирлар (мутасаввуф шоирлар) кўп.[2: 52]



Манбалар таҳлили.

Алишер Навоий мутасаввуф шоир бўлган. У ўз ижодида энг кўп қаламга олган мавзу – ишқдир. Яъни илохий ишқ. Маълумки, Навоий 3-4 ёшидаёқ биринчи ёд олган шеъри ҳам илохий ишқ ҳақида эди. Бу шеър мутасаввуф шоир форс-тожик адиби – Амир Қосим Анворники бўлиб, сўфиёна бу ғазалнинг бошланиши (матласини) келтириш жоиз:

Риндаemu ошиқему, жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок?

Таржимаси:

Риндлармиз, ошиқлармиз, жаҳонни куйдирувчи ва ёқавайронлармиз.
Сенинг ғаминг давлати билан эканмиз, дунё фикри(ғами)нинг нима ҳожати бор? [3: 46, 47].

Алишер Навоийнинг умри давомида унга жуда катта таъсир этган асар – тасаввуфга бағишлиланган. XII аср форс-тожик адиби Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” шеърий достонидир. Наврий уни болаликдан ёд олган:

Уйлаким элдин узилда улфатим,

Ул китоб эрди аниси хилватим.

Халқ расми сўзларидин қийлу қол,

Ўтса табъимға етар эрди малол.

Оқибат ишқ айлади шайдо мени,

Ўйла машъуф этти бу савдо мени. (машъуф – девона).

Болаликдан бу оғир, фалсафий-мажозий китобни ўқиш, тушуниш, англаш осон эмаслигидан ота-она уни таъкиқлашади, аммо шоир уни ёд олганини таъкидлайди:

Лек чун ёдимда эрди ул калом,



Ёшурун такрор этар эрдим мудом.

Ондин ўзга сўзга майлим оз эди,

Куш тили бирла кўнгул ҳамроз эди. [4: 7].

Султонмурод Олимнинг фикрича “Навоий ижоди – уйғун бир тизим. Ана шу ягона тизимга сифмайдиган ёхуд унга зид фикр илгари сурилган бўлиши мумкин эмас. Бу тизимни эса тасаввуф назарияси бошқаради”.[5: 7].

Тасаввуф Навоий ижодида қанчалик муҳим мавқе эгаллаганини ана шу девонлардан оинган айрим ғазалларнинг таҳлили орқали кўриб чиқамиз. “Фаройибус-сигар” девонидан олинган қуйидаги 10 байтли таржиъбанд шоир ижодий концепциясини белгилаб берувчи жиҳатга эга:

Нечун май била бўлмасун улфатим,

Ки жон қасди айлар ғаму меҳнатим.

Назар айла бу коргоҳ вазъига,

Ки ортар тамошосида ҳайратим...

Менинг бошима бас қотиқ тушти иш,

Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.

Харобот аро кирдим ошуфтахол,

Май ичарга илгимда сингон сафол... [6: 552]

Олимларнинг таъкидича, “Шоир ижодининг дастлабки пайтларидаёқ шаклланган “сингон сафол” образи унинг бутун ижоди давомида ишлатилган.

Муайян тасаввуфий мазмунга эга бўлган ринд, фақир ахлининг май косаси бўлиб, у ташқи безакка асосий эътибор берувчи қудрат эгаларининг олтин жомига қарама-қарши қўйилади”.[7: 105]. Талқин этилишича: Илохий ишқ маърифатидан, уни мушоҳада этишдан туюдиган завқ билан улфат бўлайки, бу дунё дард-ташвишлари жондан тўйғазади, буларга жавоб топиб бўлмайди.



Кичик бир заррадан то қуёшгача ҳамма ҳодисотларни идрок этиб, ўзим излаган жавоб, мантиқни топа олмайман. Инсон нима учун дунёга келадио, нима учун охири бу оламдан кетади, бу келиб-кетишининг маъноси нима? Бу муаммонинг жавоби, шоир холосаси охирида келади, яъни:

Харобот аро кирдим ошуфтахол,

Май ичарга илгимда сингон сафол. (ўша манба, 558)

Харобот – “лугавий маъноси вайрона, шаробхона бўлса-да, аммо тасаввuf истилоҳида инсон жисмининг хароб бўлиши – қаноат, фикр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқ-одатлардан қутилиб, уни хокисорлик, камтаринлик рутбасига солишидир. Улар учун тожу тахт туфроғ билан тенг, ҳамма нарсадан фориғ, ёлғиз ёр ишқида сармаст”. [8: 113].

Йигитлик давридаги ғазаллардан бирида юқоридаги ғоя яна ривожлантирилган:

Жаҳон фонийдуур, эй хожа, зинҳор,

Ки сен боқий тасаввур қилма они.

Кўнгул берма ўшул раъногаким, Ҳақ

Эрур боқию боқий, барча фоний....

Бакосиздур жаҳон раъноси, валлоҳ,

Жаҳон раъноси йўқим, мосиволлоҳ. [9: 487]

Аён бўладики, “жаҳон раъноси” – бу дунёning ҳою-ҳаваслари, уларга маҳлиё бўлиб, умрни беҳуда ўтказиш – нодонлик. Тилни, дилни Ҳақ васфига, ҳақиқий илмни эгаллашга сафарбар қилиш лозим. Асл ҳаёт, абадийлик, бақо – яратганинг хузуридадир, инчунун, бу дунё инсон орзу-хаёллари, муродини ҳеч қачон қондира олмайди. Ҳақ маърифатидан чалғитувчи нарсалардан ҳоли (мужаррад) бўлмоқ лозимдир.



Хулоса

Алишер Навоий ижодида тасаввуф ғоялари, рамз-тимсоллари ғоят изчили ривожлантирилган. Навоий ишқни “Дунё бозорининг ғавғоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидаги шовқин-сурон ишқ туфайлидир. Бусиз инсон қаломи жонсиз танага, башариятнинг лафзу иборалари гул ва районсиз чаманга ўхшайди.”-дея таърифлайди. [12: 53]. Демак:

1. Навоий сўфиёна маъноларни, ғояларни ҳар бир образига, персонажларига боғлади.
2. Илохий ишқ тасвири аксар муболағадор шаклда кечса ҳам, у кўплаб афоризм, ҳикматли сўзлар, ҳаётӣ, фалсафий хулосаларни яратилишига сабаб бўлган.
3. Табиат, жамиятдаги воқеа-ходиса, нарсалар моҳиятини илохий қудратдан келиб чиқиб, тўғри баҳолайди. Бундай кучли, событ эътиқод шоирнинг бутун ҳаёти ва ижодида ўзгармаган.
4. Сўфиёна ғоялар аксар энг чиройли, таъсирчан поэтик топилмалар яратилишига ҳам сабаб бўлган.

Тасаввуф ғоя – мазмунини очиш миллий адабиётшуносликда ҳар доим ҳам аҳамиятини йўқотмайдиган мавзу. Навоий ижоди шу соҳанинг бекиёс манбаидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бертельс Б. Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 252 с.



Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences

Hosted online from Toronto, Canada.

Date: 5th March, 2023

ISSN: 2835-5326

Website: econferenceseries.com

2. Ойбек. Асарлар. МАТ. 11 том. Тадқиқот ва мақолалар. Навоий ғазалиёти. Тошкент. 1974. – 344 б.
3. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2010. – 376 б.
4. Навоий Алишер. МАТ. XII жилд. Лисонут-тайр. – Т.: Фан, 1996. – 328 б.
5. Султонмурод Олим. Ишқ, ошиқ ва маъшук. Т.: “Фан”. 1992. – 80 б.
6. Навоий Алишер. МАТ. III жилд. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сигар. – Т.: Фан, 1988. – 524 б.
7. Ўзбек адабиёти тарихи. V томлик. II том. Тошкент, 1977. – 356 б.
8. Комилов Н. Тимсоллар тимсоли. / Тасаввуф. Биринчи китоб. “Ёзувчи”, Тошкент, 1996. – 272 б.
9. Навоий Алишер. МАТ. IV жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989. – 560 б.
10. Навоий Алишер. МАТ. V жилд. Хазойин ул-маоний. Бадойиъ ул -васат. – Т.: Фан, 1990. – 544 б.
11. Навоий Алишер. МАТ. VI жилд. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990. – 568 б.
12. Навоий Алишер. МАТ. XIV жилд. “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”. – Т.: Фан, 1998. – 304 б.